



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 23 апрель, № 81 (4744) Пайшанба


ЎЗЛИГИНИ АНГЛАГАН АВЛОД

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг бой ва қадимий ўтмишини ҳолисона ўрганиш, тадқиқ этиш, уни ёш авлодга чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 244-мактабда ҳам бу борада ибратли ишлар амалга ошириляптир.

Таълим

Хусусан, яқинда мактабда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан "Тошкент: кеча, бугун ва эртага" мавзусида ҳафталик ўтказилди. Унда Республика таълим маркази, Тошкент шаҳар педагог-ҳодимлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Ҳамза тумани ҳокимлиги вакиллари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, маҳалла фаоллари иштирок этди.


— Мактабимизда 1500 дан зиёд ўқувчи таҳсил олади, — дейди таълим маскани директори Феруза Мадаминаова. — Улар орасида иқтидорли йигит-қизлар кўп. Ҳафталик доирасида ўтказилган тадбирларда 45 та синфда таҳсил олаётган ўқувчиларимиз фаол қатнашди. Улар томонидан Тошкент тарихига оид 17 та фотоальбом, 10 та ижодий иш, фотобанер ва макетлар тайёрланди. 48 нафар энг иқтидорли ўқувчиларимиз тадбирдаги фаол иштироки учун муносиб тақдирланди.



СУРАТДА: мактаб ўқитувчиси Ободой Абдусатторова ўқувчилар даврасида.

Х. ПАЙДОВ
олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг "Жаҳон молиявий инқирози шароитида инсон ҳуқуқлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАФИШЛАНДИ

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Унда парламент куйи палатаси депутатлари, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари масъуллари, иқтисодчи олимлар, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Айтиш жоизки, ҳозирда авж олиб бораётган молиявий бўҳрон таъсирида қўллаб мамлакатларда ишсизлик, ишлаб чиқариш суръатларининг пайсийи кузатилмоқда. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз томонидан инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди. Хусусан, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф эттиришнинг йўллари ва чоралари" китобида ушбу муам-

монинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш йўллари белгилаб берилган. Шу боис, тадбир иштирокчилари мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирози даврида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши ҳамда ҳуқуқлар бузилишининг олдини олишда етарли имкониятлар мавжудлигини таъкидладилар.

Дарҳақиқат, юртимизда инсон ҳуқуқларининг қонуний ва институционал асосларини мустаҳкамлаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар ролини кучайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар, аёллар ва болалар ҳуқуқларини

ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ўз амалий фодасини топган. Шу боис, жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга ошириляётган тизимли ва изчил ишлар дунё давлатлари томонидан алоҳида эътироф этилиб, юксак баҳоланмоқда.

Шунингдек, давра суҳбатиде фракциялари аъзоларининг жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ва бундай шароитда мамлакатимизда инсон манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди.

Зиёда АШУРОВА.

Қирқиш чизиги

Қирқиш чизиги

лиги, ўз вақтида етказиб берилмаганлиги ёки йўқотилганлиги, бузилганлиги (шикастланганлиги) ёхуд ўтказилган пул маблағлари тўланмаганлиги тўғрисидаги талабномалар почта, курьерлик жўнатмалари ёки пул маблағларининг почта ўтказмаси топширилган кундан эътиборан олти ой давомида тақдим этилади.

Талабномалар ёзма шаклда тақдим этилади ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Талабномаларга ёзма жавоблар қуйидаги муддатларда берилиши керак:

бир аҳоли пункти доирасида жўнатиладиган (ўтказиладиган) почта, курьерлик жўнатмалари ҳамда пул маблағларининг почта ўтказмаларига доир талабномаларга — беш кун ичида;

бошқа барча почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларига доир талабномаларга — бир ой ичида.

Почта алоқаси операторлари ёки провайдерларига почта, курьерлик жўнатмаси ва пул маблағларининг почта ўтказмаси қабул қилинган ёки жўнатилиши белгиланган манзил бўйича талабнома тақдим этилиши мумкин.

Халқаро почта, курьерлик жўнатмаларини ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини қидириб топиш бўйича талабномалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларида назарда тутилган тартиб ва муддатларда қабул қилинади ҳамда қўриб чиқилади.

31-модда. Низоларни ҳал этиш

Почта алоқасининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

32-модда. Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

24

Бўқлаш чизиги

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Почта алоқаси тўғрисида (янги таҳрири)

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2009 йил

Қирқиш чизиги

матлари кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

14-модда. Почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг бут сақланишини таъминлаш

Почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг бут сақланишини почта алоқаси операторлари ва провайдерлари таъминлайди.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари ўртасида почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш ҳамда топшириш қабул қилинадиган ва топшириладиган почта, курьерлик жўнатмалари ҳамда пул маблағларининг почта ўтказмалари ҳужжатлаштирилиб қайд этилиши таъминланган ҳолда, Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағлари ташилладиган транспорт воситалари белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқ жиҳозланган бўлиши керак.

Почта, курьерлик жўнатмаларига ишлов бериладиган ва сақланадиган, шунингдек пул маблағлари сақланадиган бинолар, хоналар зарур асбоб-ускуналар, қўриқлаш-ёнгин сигнализация воситалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Қиймати эълон қилинган жўнатмалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сугурталаниши мумкин.

15-модда. Топширилмай қолган почта, курьерлик жўнатмаларидан ва пул маблағларининг почта ўтказмаларидан фойдаланиш

Почта, курьерлик жўнатмасини ёки пул маблағларининг почта ўтказмасини фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотлар аниқ эмаслиги ёки

12

йўқлиги, адресат кўчиб кетганлиги туфайли етказиб бериш (топириш) имкони бўлмаса ёхуд почта алоқаси оператори ва провайдер почта алоқаси хизматлари кўрсатиш шартномасидаги ўз мажбуриятларини бажара олмаши имкониятини истисно эътиборан бошқа ҳолатларда улар жўнатувчига Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган муддатларда қайтарилади.

Агар фойдаланувчининг манзилига доир зарур маълумотлар аниқ эмаслиги ёки йўқлиги туфайли етказиб берилмаган (топирилмай қолган) почта, курьерлик жўнатмаларини ёки пул маблағларини жўнатувчига қайтаришнинг имкони бўлмаса ёхуд жўнатувчи қайтарилган почта, курьерлик жўнатмасини ёки пул маблағларини олишдан воз кечса, у ҳолда тарқатилмай қолган сифатида вақтинча сақлаш учун почта алоқаси оператори ёки провайдер томонидан қабул қилинади.

Тарқатилмай қолган почта ва курьерлик жўнатмаларини вақтинча сақлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда почта алоқаси оператори ёки провайдер томонидан олти ой давомида амалга оширилади.

Ушбу модданин учинчи қисмида белгиланган муддат ўтганидан сўнг:

қимматли қозғалар, қимматбаҳо металллар ва бошқа предметлар белгиланган тартибда реализация қилинади ҳамда почта алоқаси операторлари ёки провайдерлари харажатларининг ўрни қопланганидан сўнг тушган пул маблағлари, шунингдек почта ва курьерлик жўнатмаларида аниқланган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадига ўтказилади;

ҳужжатлар (паспортлар, дипломлар, шаходатномалар, гувоҳномалар ва бошқалар) уларни берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга топширилади;

хатлар тегишли далолатнома тузилиб, йўқ қилиб ташланади.

Адресатларни ва жўнатувчиларни қидиришнинг илोजи бўлмаганда, тарқатилмай қолган пул маблағларининг почта ўтказмалари почта алоқаси оператори то-

13

«21-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва миқозларни лозим даражада текширишга доир материалларни сақлаш

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва миқозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин бундай операциялар амалга оширилганидан ёки миқозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камида беш йил мобайнида сақлашлари шарт».

1) 22-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Махсус ваколатли давлат органи зарур ахборот тақдим этиш тўғрисида чет давлатларнинг ваколатли органларига сўровлар юбориш ва чет давлатлар ваколатли органларининг сўровларига жавоб қайтариш ҳуқуқига эга».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 27 апрелда қабул қилинган «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим моддаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш ҳақида»ги УРК-94-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда) ўз кучини йўқотган деб топилинсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2009 йил 22 апрель
№ УРК — 212

8

Бўқлаш чизиги

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2009 йил

Қирқиш чизиги

«7-модда. Миқозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар:

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда ҳужжат, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар аниқланганда;

ички назорат қоидаларида белгиланган ҳолларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ бир мар- талик операциялар амалга оширилганда;

шубҳали операциялар амалга оширилганда;

миқознинг шакли тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг тўричилигига нисбатан шубҳалар мавжуд бўлганда, миқозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил чора-тадбирлар қўришилари шарт.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан миқозни лозим даражада текшириш бўйича қўриладиган чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида миқознинг ва қайси шахслар номидан иш қўраётган бўлса, уша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириши;

таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали мулкдорни ёки юридик шахс бўлган миқозни назорат қилувчи шахсини идентификациялаши;

миқоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни уларнинг бундай миқоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида, доимий асосда ўрганиши»;

6) 9-модданин тўртинчи — олтинчи хатбосилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга алоқадор пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги материалларни жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда иштирок этувчи тегишли органларга юборади;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, агар бундай операциялар тўғрисидаги ўзи олган хабар текшириш натижаларига қўра асосли деб топишган бўлса, икки иш кундан кўп бўлмаган муддатта

4

тўхтатиб туриш ҳақида қўрсатмалар йўқлиги;

жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот, маълумотнома тизимларида ҳамда маълумотлар базаларида сўради ва бепул олади»;

7) 12—15-моддалар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар қуйидагилардир:

банклар, кредит уюшмалари ва бошқа кредит ташкилотлари;

қимматли қозғалар бозорининг профессионал иштирокчилари;

биржа аъзолари;

сугурталовчилар ва сугурта воситачилари;

лизинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар;

пул ўтказмалари, тўловлар ва ҳисоб-китобларни амалга оширувчи ташкилотлар;

ломбардлар;

лотереялар ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ўтказувчи ташкилотлар;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи шахслар;

кўчмас мол-мулкнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларда хизматлар кўрсатувчи ва иштирок этувчи шахслар;

миқозлар номидан битимлар тайёрлаш ва уларни амалга оширишда нотариал идоралар (нотариуслар), адвокатлик тузилмалари (адвокатлар) ҳамда аудиторлик ташкилотлари.

13-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички

5

Фармон ва ижро

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан Жиззах гидрогеологик мелiorатив экспедицияси томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

УНУМДОР ЕР — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Аниқроғи, ўтган вақт мобайнида 2 та манзилли лойиҳага асосан 75 километрлик зовурларда тозалаш, таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди. 42,6 километрлик ёпиқ-ётиқ дренаж сифатли ювилиб, 4,5 километрлик янги зовур қурилди. Бу билан салкам минг гектар экин майдонининг мелiorатив ҳолати яхшиланиб, пировадиди бу ерлардан мўл ҳосил олинмоқда. Масалан, ўтган йили Дўстлик туманидаги фермерлар пахтадан 3-5 центнер, галладан эса 5-7 центнер кўп ҳосил йиғиштириб олдилар.

Шу кунларда эса "Истиқлол шарҳари", "Шаҳобиддин Иброҳимов", "Ҳаёт боши" СФУлари ҳудудидаги зовурларда 5 та экскаватор ёрдамида таъмирлаш-тозалаш ишлари якунига етказилди.

Абдураҳмон ЭШМАТОВ, Жиззах гидрогеологик мелiorатив экспедицияси Дўстлик тумани участка бошлиғи.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан Самарқанд вилоятида тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашув уюштирилди. Унда давлат солиқ идоралари раҳбарлари, туман ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, тижорат банкларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлиги остида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ва берилган имтиёз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, 2009 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, хусусан, Солиқ кодекси асосида тадбиркорларга

берилган солиқ енгилликлари ва унинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналари

қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий ва солиқ имтиёзлари берилган. Айниқса, бу борада Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик

АНЖУМАН

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик

субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари қабул қилингани аниқ мудо бўлди. Натияжада жаҳонда юз бераётган мураккаб молиявий шароитга қарамай, юртимиз иқтисодиётига инвестициялар жалб этилди ва ишлаб чиқариш қўлами янада кенгайтирилди. Бу иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимиз ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишга мустақкам замин яратмоқда.

Анжуманда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

ДСҚ Ахборот хизмати.

МУШТАРИЙНИНГ БЕЖИРИМ КОРЖОМАЛАРИ

Наманган шаҳридаги "Муштарий Интернационал ЛТД" Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси жамоаси жорий йилнинг биринчи чорабини юқори кўрсаткичлар билан якунлади. Ўтган даврда давлат буюртмаси бўйича 224 миллион сўмликдан зиёд хизмат либослари тайёрланди.

Ишлаб чиқариш суръатини янада оширишга аҳд қилган меҳнат ахли айни кунларда хоржикли шериклар билан ҳамкорликда корхона реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишларини жадал олиб бормоқда. Бу ишлар охирига етказилса, 250 та янги иш ўрни очилади ва маҳсулот тайёрлаш ҳажми кескин ошади.

СУРАТДА: қўшма корхонанинг моҳир тикувчиси Сайёра Аҳмадхонова. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (Ў.А) олган сурат.



Интилиш

монидан ўн саккиз ой давомда сақланади, шундан сўнг бу пул маблағлари маҳаллий бюджет даромадига ўтказилади.

16-модда. Ёзишмаларнинг, почта ва қуръерлик жўнатмаларининг сирини

Ёзишмаларнинг, почта ва қуръерлик жўнатмаларининг сирини сақлаш мақсадида почта алоқаси операторлари ва провайдерларнинг: бошқа шахсга почта, қуръерлик жўнатмалари, пул маблағларининг почта ўтказмалари ҳақидаги маълумотлари, шунингдек фойдаланувчиларнинг манзиллари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши; почта ва қуръерлик жўнатмаларини очиб ёки очман ҳолда уларнинг мазмунига (жойланмасига) доир маълумотларни билиб олиши; почта ва қуръерлик жўнатмаларининг мазмунини (жойланмаси) тўғрисида бошқа шахсни хабардор қилиши тақиқланади, бундан қўнун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

17-модда. Почта ва қуръерлик жўнатмаларини жўнатишдаги чекловлар

Почта алоқаси тармоғи орқали почта ва қуръерлик жўнатмаларини жўнатишга доир чекловлар қўнун ҳужжатларида белгиланади. Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари жўнатилиши тақиқланган жойланмаси бўлган почта ва қуръерлик жўнатмаларини ушлаб туриш, шунингдек жойланмаси бошқа почта ва қуръерлик жўнатмаларини бузилишига (шикастланишига) олиб келиши, почта алоқаси операторлари ва провайдерларнинг ҳодимларининг ёки ўзга шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун ҳаф тўғрисидаги почта ва қуръерлик жўнатмаларини, агар бу ҳавфни бошқа йўл билан бартараф этиб бўлмаса, йўқ қилиб ташлаш ёки йўқ қилиб ташлашга рўхсат бериш ҳўқуқига эга.

Кирқиш чизиғи

бандероллар ва майда пакетларни Ўзбекистон Республикаси доирасида мақбул нархларда жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича эҳтиёжларини қаноатлантиришга доир почта хизматлари; қўзи оқизларнинг ва қўзи оқизлар учун муассасаларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришда секограммалар алмашишни бўйича почта хизматлари. Универсал хизматлар кўрсатиш мажбурияти почта алоқасининг миллий оператори эиммасига юклатилади.

12-модда. Почта алоқаси хизматлари учун тўлов

Почта алоқаси хизматлари учун тўлов почта алоқаси оператори ёки провайдер томонидан шартнома асосида белгиланадиган тарифлар бўйича аниқланади. Универсал хизматлар учун тўлов қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланадиган тарифлар асосида аниқланади. Ёзма хат-хабар жўнатганлик учун тўлов ёзма хат-хабарга почта тўловининг давлат белгиларини тушириш орқали тасдиқланади.

13-модда. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишдаги имтиёзлар ва афзалликлар

Қўнун ҳужжатларида фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларини почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда имтиёзлар белгиланиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда белгиланган имтиёзлар берилиши муносабати билан почта алоқаси операторлари ёки провайдерларнинг маблағларини компенсация қилиш қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари учун почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар белгиланиши мумкин. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари рўйхати ҳамда ушбу хиз-

Кирқиш чизиғи

назоратни ўтказиш давомида шўбхали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қондаларида белгиланган мезонлар ва белгиларга мувофиқ жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмини молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шўбха пайдо бўлган операция шўбхали операция, деб топилади.

Агар пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тарафларидан бири жинсий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмини молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқро ҳамкорликда иштирок этаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операциялар ҳам махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши керак.

14-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, алоҳида ҳолларда махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар, шу операцияларнинг тарафларидан бири: террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган юридик ёки жисмоний шахс; террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки биливсита мулкдори бўлган ёхуд унинг назорат қилиётган юридик ёки жисмоний шахс; террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахсининг ёхуд ташкилотнинг мулкдаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, ушбу Қўнунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши ва тўхтатиб турилиши керак.

«махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга ошириладиган назорат»; **тўртинчи хатбоси** кўйидаги тахрирда баён этилсин: «мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар»; 3) **5-модда** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

«5-модда. Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилган назорат

Махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилган назорат — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этадиган ахборотни текшириш ва ушбу Қўнунга мувофиқ бошқа ваколатли органга ошириш бўйича махсус ваколатли давлат органи томонидан қабул қилинадиган чора-тадбирлар мажмуи»;

4) 6-модда: **биринчи қисмида** «қўнун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий назорат» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органига хабар» деган сўзлар билан алмаштирилсин; **иккинчи қисмида** «пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилот фаолиятининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мажбурий назорат» деган сўзлар «махсус ваколатли давлат органига хабар» деган сўзлар билан алмаштирилсин; **учинчи қисми** кўйидаги тахрирда баён этилсин: «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар учун ички назорат қондалари тегшли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда, бундай органлар бўлмаган ҳолда эса, махсус ваколатли давлат органи томонидан ишлаб чиқилди ва тасдиқланади»; **кўйидаги мазмундаги тўртинчи қисми** билан тўлдирилсин:

«Ички назорат қондаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат мазкур қондаларни тасдиқлаган органлар, шунингдек махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади»; 5) **7-модда** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

Кирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қўнунчилик палатаси томонидан 2008 йил 18 декабрда қабул қилинган Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «Почта алоқаси тўғрисида»ги 118-И-сонли Қўнунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 210-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳмаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қўнунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қўнунга зид бўлган ўз норматив-ҳўқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қўнун расмий эълон қилинган кўндан эътиборан қўчга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 22 апрель № ЎРК — 211

Кирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қўнунчилик палатаси томонидан 2009 йил 26 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2009 йил 28 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмини молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги 660-И-сонли Қўнунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 160-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 167-модда) кўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданин** **иккинчи қисми** кўйидаги тахрирда баён этилсин: «Терроризмини молиялаштириш — террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига қўмаклашган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки биливсита ҳар қандай маблағ-воситалар, ресурслар беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган, жиний жазоланадиган ижтимоий ҳавфли қилими»; 2) **4-модданин** **иккинчи хатбоси** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ички назорат қондаларига қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар»; 3) **5-модда** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

Кирқиш чизиғи

ушун, агар бу енгиб бўлмас қўч ёки почта ва қуръерлик жўнатмалари жойланмасининг хусусиятлари тўғрисида содир бўлганлиги исботланса, шунингдек почта ва қуръерлик жўнатмаларини бошқона қўригидан ўтказиш мuddатлари бузилганлиги ёки уларнинг бошқона органлари томонидан олиб қўйилганлиги учун почта алоқасининг операторлари ва провайдерлари жавобгар бўлмайд.

28-модда. Почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчилар почта алоқаси хизматларининг бошқа фойдаланувчиларига, почта алоқаси операторлари ёки провайдерларига етказилган, жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни почта ва қуръерлик жўнатмаларига жойлаш натижасида ёки улар лозим даражада ўралмаганлиги натижасида юзага келган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

29-модда. Қалбаки почта тўловининг давлат белгиларини тайёрлаш, сотганини учун жавобгарлик

Қалбаки почта тўловининг давлат белгиларини сотиш мақсадида тайёрланганда ёки сотганинда, шунингдек била туриб, франкирлаш машиналарининг қалбакилаштирилган тамга изларидан фойдаланганлигида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

30-модда. Талабномаларни тақдим этиш тартиби ва мuddатлари

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича мажбурийлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тахрирда фойдаланувчи почта алоқаси оператори ёки провайдерига талабнома тақдим этишга, шу жумладан етказилган зарарини ўрни қопланиши таалаб қилишга ҳақли.

Почта ва қуръерлик жўнатмалари топширилмаган-

Кирқиш чизиғи

15-модда. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг мажбуриятлари

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар кўйидагиларни бажаришлари шарт: мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, махсус ваколатли давлат органига аниқланган тахрирда, махсус ваколатли давлат органига бу операциялар бўйича улар аниқланган кўндан кўнунга ахборот тақдим этиш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, ушбу Қўнуннинг 14-моддасида назарда тутилган операцияларни, юридик ёки жисмоний шахс ҳисобварағига тушган пул маблағларини ҳисобга киритиш бўйича операцияларни истисно этганда, бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч кўнунга тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида операция тўхтатиб турилган кўнунинг ўзида махсус ваколатли давлат органини хабардор қилиш. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиб туриш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг кўрсатмаси бўлмаса, кўрсатилган мuddат ўтган, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга оширувчи ташкилот тўхтатиб турилган операцияни бажаришга қаршида; ички назорат тартиби-таомилнинг жорий этиш ва амалга ошириш;

8) **18-модда** кўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялари тўғрисидаги ахборотни ёхуд бошқа маълумотларни махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда тақдим этиш тижорат, банк сирин ёки қўнун билан қўриқланадиган бошқа сирин бузиш ҳисобланадиган»; 9) **19-модданин** **иккинчи қисмида** «мажбурий» деган сўз чиқариб ташланади;

10) **21-модда** кўйидаги тахрирда баён этилсин:

Н. МҲМИНОВ, «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси ижрочи директори.

ЭЗГУЛИК

қўмақдош бўлган маҳаллий ва хоржик хайрия ташкилотларининг ўрни бекёйс. Улар билан ўрнатилган мустақкам ҳамкорликлар натижаси ўлароқ, биргина 2008 йилда 40 нафар бемор бола таъминланган оилаларнинг иқтисодий фарзандлари ўртасида расомчилик, мусика ва санъатнинг турли йўналишлари бўйича бўлиб ўтган танловлар қўллаб-қувватлаш мақсадида шифолик компания ва бир қатор вазирликлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Жасур болалар», «Санъат гўнчалари», «Очилади богда бинафша», «Жимён-Экстрим» сингари қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамизнинг бир қатор вилоятларига «Саломатлик» поездлари юборилиши аънамага айланган. Унда аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун мурувват ёрдамлари, тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар билан бир қаторда малакали тиббиёт мутахассислари ҳам жалб этилади.

Уюштирилаётган тадбирлар, ташкилотлар баробарида эътиборда молик ишлар бажарилмоқда. Мўмуми, ушбу эзгуликлар замирида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамизнинг бир қатор вилоятларига «Саломатлик» поездлари юборилиши аънамага айланган. Унда аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун мурувват ёрдамлари, тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар билан бир қаторда малакали тиббиёт мутахассислари ҳам жалб этилади.

Уюштирилаётган тадбирлар, ташкилотлар баробарида эътиборда молик ишлар бажарилмоқда. Мўмуми, ушбу эзгуликлар замирида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни кўн ворислари бўлиши керак ҳудудлари аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради.

май қолган ёки нотўғри тўланган устама тўлов суммаси миқдориди;
 қўймати эълон қилинган посилкалар, бандероллар ва хатлар, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ёки етказиб бериш (топшириш) назорат муддатларидан кўпроқ ушлаб қолинганда — ушлаб қолинган ҳар бир кун учун почта алоқаси хизматига тўланган сумманинг бир фоизи миқдориди, лекин ушбу хизматга тўланган суммадан кўп бўлмаган миқдорда неустойка. Зарарларнинг ўрни жўнатувчиларнинг ёки адресатларнинг талабига биноан қопланади;
 авиажўнатмаларни (бандероллар, посилкаларни) жўнатиш ёки етказиб бериш (топшириш) назорат муддатларидан кўпроқ ушлаб қолинганда — авиа- ва ер усти транспортда жўнатиш ўртасидаги тўлов фарқи орқали жўнатишнинг назорат муддатларидан кўпроқ ушлаб қолинган ҳар бир сутка учун — ушбу модда иккинчи қисмининг саккизинчи хатбосига мувофиқ; соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар, авиа- ва ер усти транспорт йўл чипталари солинин қўймати эълон қилинган хатларни жўнатиш ёки топшириш назорат муддатларидан кечикканлиги тўғрисида улардан фойдаланиш муддатлари ўтиб кетганда — етказилган зарарнинг икки баравари миқдориди, лекин жойланма рўйхатида эълон қилинган қўйматнинг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ҳамда почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдориди неустойка;
 халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари йўқотилганда, бузилганда (шикастланганда), жойланмалар етишмаганда, топширилмаганда, пул маблағларининг халқаро почта ўтказмалари амалга оширилмаганда — етказилган зарарнинг ўрнини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан аниқланадиган миқдорда қоплаш.
 Почта ва курьерлик жўнатмаларининг йўқолганлиги, бузилганлиги (шикастланганлиги), топширилмаганлиги ёки уларни жўнатиш муддатлари бузилганлиги

22

Буқлаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ
Почта алоқаси тўғрисида
(янги таҳрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади почта алоқасининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.
 Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
абонемент почта жавони — почта алоқаси объектида ўрнатилган қўлланмадан қўлчалардан иборат махсус жавон бўлиб, бу қўлчалар ёзма хат-хабарларни, даврий босма нашрларни, почта, курьер-

3

Қирқиш чизиғи

риш стандартлари;
 почта ва курьерлик жўнатмаларининг турлари ҳамда уларнинг техник тавсифлари;
 почта ва курьерлик жўнатмаларини, шу жумладан халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) тартиби;
 пул маблағларининг почта ўтказмаларини, шу жумладан пул маблағларининг халқаро почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) тартиби;
 почта жўнатмаларини, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини тезкор равишда жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) тартиби;
 почта ва курьерлик жўнатмаларини сақлаш муддатлари;
 почта ва курьерлик жўнатмаларини қайта жўнатиш ҳамда қайтариш шартлари;
 почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган ҳамда чекланган предметлар ва моддалар рўйхати;
 почта ва курьерлик жўнатмаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш тартиби;
 фойдаланувчиларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартиби;
 Ўзбекистон Республикаси доирасида жўнатиладиган почта ва курьерлик жўнатмаларидан почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни олиб қўйиш тартиби;
 почта алоқаси тармоғи орқали жўнатилиши тақиқланган предметлар ва моддаларни йўқ қилиб ташлаш тартиби;
 универсал хизматлар кўрсатиш тартиби ва уларнинг сифатига доир талаблар.
 Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

11-модда. Универсал хизматлар

Универсал хизматларга қуйидагилар кирadi:
 фойдаланувчиларнинг почта варақчалари, хатлар,

10

Буқлаш чизиғи

4-боб. Почта алоқаси соҳасининг ташкилий ва иқтисодий асослари


18-модда. Почта алоқасининг мулк

Почта алоқасининг мол-мулкни оммавий ёки хусусий мулк бўлиши мумкин.
 Почта алоқаси мол-мулкнинг мулкдорлари, эгалари қонун билан кафолатланган тенг ҳуқуқларга эгадир.

19-модда. Почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш

Почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан ўз маблағлари, манфаддор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.
 Шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, турар жой даҳалари ва мажмуалари, алоҳида бинолар ва иншоотлар лойиҳалаштириладиганда ҳамда ривожлантириладиганда маҳаллий давлат ҳокимияти органи почта алоқаси объектиларини жойлаштириш учун бинолар ёки алоҳида хоналар қурилишини шахарсозлик ҳужжатларига мувофиқ назарда тутишлари керак.
 Почта алоқаси объектиларини автомобиль ва темир йўл вокзаллари, аэропортлар қошида, бозорлар ва меҳмонхоналарда жойлаштириш белгиланган тартибда амалга оширилади.
 Автомобиль ва темир йўл вокзаллари, аэропортлар қошида почта алоқаси объектиларининг бинолари ва иншоотлари қурилиши учун ер участкалари бевосита уларга яқин жойлардан ажратилиши, шаҳарларда почтамаклар қурилиши учун эса шаҳарнинг марказий қисмида, почта ва курьерлик жўнатмалари алмашинуви учун шариотлар таъминланган ҳолда ажратилиши керак.
 Аҳоли пунктларини ва айрим биноларни янгидан

15



Қирқиш чизиғи

фойдаланувчиларга почта алоқаси хизматлари кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги, шунингдек почта алоқаси хизматлари тарифларининг ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этиши;
 почта алоқаси хизматлари кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада кўрсатилмаганлиги натижасида фойдаланувчиларга етказилган зарарларнинг ўрнини қонун ҳужжатларига мувофиқ қоплаши, шунингдек уларга етказилган маънавий зиёнини қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиши шарт.
 Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

26-модда. Фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари

Фойдаланувчилар:
 ушбу Қонунга ва Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларига риоя этиши;
 ўзларига кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаши;
 почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг иш сифатини пайсатиришга қаратилган хатти-хабарлар қилмаслиги шарт.
 Фойдаланувчилар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

27-модда. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг жавобгарлиги

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича мажбуриятларини бажармаганлик ёхуд лозим даражада бажармаганлик учун фойдаланувчилар олдида белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг жавобгарлиги почта ва курьерлик жўнатмалари йўқолган, бузилган (шикастланган), жойланмалар кам чиққан, почта ва курьерлик жўнатмалари етказиб берилмаган (топширилмаган), назо-

20

Буқлаш чизиғи

яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, асбоб-ускуналар, техника ва транспорт воситалари, шунингдек почта конвертлари, варақчалари ва таралар;
почта алоқасининг миллий оператори — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан зиммасига Ўзбекистон Республикаси доирасида мажбурий равишда универсал хизматлар кўрсатиш вазифаси юклатилган почта алоқаси оператори;
почта алоқаси объектилари — почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари (почтамаклар, почта алоқаси боғламалари, бўлимлари, пунктлари, шунингдек бошқа бўлинмалар);
почта алоқаси оператори — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида почта алоқаси тармоғига эгаллик қилувчи ва фаолиятнинг асосий тури сифатида почта алоқаси хизматлари кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс;
почта алоқаси провайдер — фойдаланувчиларга почта алоқаси операторларининг тармоғи орқали почта, курьерлик хизматлари кўрсатиш учун юридик шахс;
почта алоқаси тармоғи — почта алоқаси объектилари ва почта йўналишлари мажмуи;
почта алоқаси хизматлари — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта ва курьерлик хизматлари кўрсатиш бўйича фаолияти;
почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчи (фойдаланувчи) — почта алоқаси хизматларининг истеъмолчиси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;
почта жўнатмалари — манзили кўрсатилган ёзма хат-хабарлар, посилкалар ва тегишли ўровдаги босма нашрлар;
почта тўловининг давлат белгилари — почта маркалари ҳамда франкирлаш машиналарининг почта жўнатмаларига почта алоқаси хизматлари ҳақи тўланганлигини тасдиқлаш учун тушириладиган тамгаси;
почта хизматлари — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта жўнатмаларини, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича фаолияти;
почта қўтиси — почта алоқаси миллий оператори-

5

Қирқиш чизиғи

ва провайдерларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;
 почта алоқаси операторлари ва провайдерлари учун мажбурий бўлган почта индекслари, шунингдек ёзма хат-хабарларни олиб кетиш даврийлиги нормативларини ҳамда почта жўнатмалари ўтишининг назорат муддатларини тасдиқлайди;
 франкирлаш машиналаридан фойдаланиш тартибини белгилайди;
 кўрсатилмаган хизматлар сифати устидан давлат назоратини амалга оширади, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қўнийлиги мафозатларини ҳимоя қилади, почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини кўриб чиқади;
 почта алоқаси мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;
 халқаро ҳамкорликни амалга оширади;
 Махсус ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатли орган амалга ошириши мумкин.

7-модда. Фавқулодда ҳолатларда почта алоқаси хизматлари кўрсатиш

Фавқулодда ҳолатларда (ҳарбий ҳаракатлар, zilzilalar, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқаларда) почта алоқаси хизматлари кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8-модда. Почта алоқаси объектиларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этиш

Почта алоқаси объектиларида рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этиш уларнинг мулкдорлари, эгалари томонидан амалга оширилади.
 Давлат бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи почта алоқаси объектиларида рўй бер-

8

Буқлаш чизиғи

лари почта алоқаси операторлари ҳамда провайдерлари билан почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташши шартномалари тузишни рад этишга ҳақли эмас.
 Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташши учун фойдаланадиган транспорт воситалари шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчалари бўйлаб, автомобиль йўлларида тўсқинликсиз юриш ҳамда автомобиль, темир йўл вокзаллари ва аэропортлар қошида жойлашган почта алоқаси объектиларига, юк (багаж) мажмуаларига тўсқинликсиз кириш ҳуқуқига эга.

21-модда. Почта алоқаси миллий оператори ходимининг формали кийим-боши

Почта алоқаси миллий оператори ходими хизмат вазифаларини бажариши учун формали кийим-бош ва кўкрак нишонини билан таъминланади.
 Почта алоқаси миллий оператори ходимининг формали кийим-бош ва кўкрак нишонини тасдиқлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

5-боб. Почта алоқаси операторлари, провайдерларининг ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

22-модда. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг ҳуқуқлари

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 почта алоқаси хизматлари кўрсатиш, бундан ушбу Қонуннинг 23-моддасида кўрсатилган хизматлар мустасно;
 халқаро почта алоқаси хизматлари кўрсатилганлиги учун бошқа давлатларнинг почта алоқаси операторла-

17



Қирқиш чизиғи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ
 ҚЎЙИДАГИ ВАКАНТ КАФЕДРА МУДИРЛАРИ, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР
 ЛАВОЗИМЛАРИ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси:

- кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди);
- профессор — 1 та
- (фан доктори ёки профессор);
- доцент — 1 та (фан доктори (номзоди) ёки доцент);
- катта ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи).

Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси:

- кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди);
- профессор — 1 та (фан доктори ёки профессор);
- доцент — 1 та (фан доктори (номзоди) ёки доцент);
- катта ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи);
- ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи).

Молия ва кредит кафедраси:

- профессор — 1 та (фан доктори ёки профессор);
- доцент — 1 та
- (фан доктори (номзоди) ёки доцент);
- катта ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи).

Иқтисодий фанлар кафедраси:

- профессор — 1 та (фан доктори ёки профессор);
- доцент — 1 та
- (фан доктори (номзоди) ёки доцент);
- катта ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи);
- ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи).

Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси:

- профессор — 1 та (фан доктори ёки профессор);
- доцент — 1 та (фан доктори (номзоди) ёки доцент);
- катта ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи);
- ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи).

Юридик фанлар кафедраси:

- профессор — 1 та (фан доктори ёки профессор);
- доцент — 1 та (фан доктори (номзоди) ёки доцент);
- ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи).

Тиллар кафедраси:

- кафедра мудири (фан доктори, фан номзоди);
- профессор — 1 та (фан доктори ёки профессор);
- доцент — 1 та (фан доктори (номзоди) ёки доцент);
- катта ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи).

Информацион технологиялар кафедраси:

- профессор — 1 та (фан доктори ёки профессор);
- доцент — 1 та (фан доктори (номзоди) ёки доцент);
- ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи).

Жисмоний тарбия кафедраси:

- кафедра мудири;
- катта ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи);
- ўқитувчи — 1 та (магистр дипломи).

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- ректор номига ариза;
- сўровнома;
- таржimai ҳол;
- 1 донга 4x5 ҳажмдаги фотосурат (сўровномага ёлтирилган ҳолда);
- иш жойидан тавсифнома (ҳужжат топширгунга қадар ишлаган бўлса);
- олий ўқув юртини тугатганлик ҳақидаги диплом;
- кафедра мудири, профессор номзодларига: — фан доктори ва профессор илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги ҳужжат;
- чоп қилинган илмий ишлари ҳақида маълумотлар;
- меҳнат дафтарчасининг ксероноسخаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:
 Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 3-уй,
 Солиқ академияси биноси, 215-хона. Телефон: 217-44-87.

“Росагропромснаб” МЧЖ
ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ
 ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5³ в/ч дан 500³ в/ч гача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЭК филтрлари, ИЗО муфтлари

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
 Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» маззаси, Ц-даҳаси, 6-уй.
 Мўлжал — «Шўхрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
 242-хона
 E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ШПАТЛЁВКА
 ОНУ СУРАТИ
 Қалбақисидан эҳтиёт бўлиш.

Тел.: +(99897) 718-78-73.
 Факс: +(99871) 277-96-38.

Тошкент ш., Чилонзор к., 1-«Б» уй.
 Мўлжал — «Ўзбекфильм» к/с.
 МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Ўзбекистон Республикаси Солиққўни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорати, касабга уюшмаси Умумий амалиёт врачлари малакасини ошириш кафедрасининг мудири, доцент Шароф Қосимовга отаси

Зокир ҚОСИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Термиз давлат университети ректори Зоир Чориевга отаси

Махтара ФОЗИЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Маънавият тарғибот маркази жамоаси марказининг Бухоро вилояти бўлими раҳбари

Ортиқ ВАФОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси университет ходими

Моҳира Абдуманоповна МУСАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Тиллар-2 кафедраси катта ўқитувчиси Наима Пазлетдиновага онаси

ШАРИФА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш туфайли почта алоқаси объектларини кўчириш (қайта қуриш) буюртмачи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан, почта алоқаси операторларининг технологик шартларига мувофиқ амалга оширилади.

Почта қўтилари фойдаланувчилар учун ҳамда оддий хатлар ва почта varaқчаларини йиғиб олиш учун қўлай бўлган ерларга жойлаштирилиши керак.

Абонент почта жавонлари қурилиш ташкилотлари томонидан кўп квартирали уйлarning биринчи қаватларида ўрнатилди. Абонент почта жавонларини харид қилиш ва ўрнатиш харажатлари ушбу кўп квартирали уйлarning қурилиш сметасига киритилади. Абонент почта жавонларини соз қолатда сақлаш кўп квартирали уйлarning мулкдорлари томонидан амалга оширилади.

20-модда. Почта алоқасининг транспорт воситаларидан фойдаланиш

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташиниш учун ўзларига тегишли транспорт воситалари: почта вагонларидан, автомобиллардан, шунингдек шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларидан фойдаланади.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташиниш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари бошқа ваколатли орган томонидан тасдиқланган махсус фарқлаш белгиларига эга бўлиши керак.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларини ташиниш учун фойдаланиладиган транспорт воситалари бошқа ишларни бажариш учун уларнинг розилигисиз фойдаланилиши ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчи ҳамда юкларни мунтазам ташувчи темир йўл, ҳаво ва автомобиль транспортининг ҳужалик юритувчи субъект-

16

ган ҳодисалар, авариялар оқибатларини бартараф этишда почта алоқаси операторларига кўмаклашади. Почта алоқаси объектларида юридик ва жисмоний шахсларнинг айби билан рўй берган ҳодисалар, авариялар оқибатида почта алоқаси операторлари ёки провайдерларига etkazилган зарарларнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

3-боб. Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш

9-модда. Почта алоқаси хизматлари

Почта алоқаси хизматлари почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан почта ва курьерлик хизматлари тарзида кўрсатилади.

Почта хизматлари қўйидагилардир: почта жўнатмаларини, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини жўнатиш ва etkazиб бериш (топшириш);

пул маблағларининг почта ўtkazмаларини, шу жумладан пул маблағларининг халқаро почта ўtkazмаларини жўнатиш ва etkazиб бериш (топшириш);

почта жўнатмаларини, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини тезкор почта режимида жўнатиш ва etkazиб бериш (топшириш);

Курьерлик хизматлари курьерлик жўнатмаларини, шу жумладан халқаро курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва etkazиб беришдир (топширишдир).

10-модда. Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида қўйидагилар бўлиши керак: фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этишга доир талаблар; почта алоқаси операторларининг номли буюмларидан (штамплар, штемпеллар, муҳрлардан) фойдаланиш тартиби; почта ва курьерлик жўнатмаларини расмийлашти-

9

лик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўtkazмалари келганлиги тўғрисидаги хабарномаларни олиш учун адресатлар томонидан муайян муддатга ижарага олинади;

абонент почта жавони — кўп квартирали уйда, шунингдек etkazиб бериш участкасида ўрнатилган, ёзма хат-хабарларни, даврий босма нашрларни, почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўtkazмалари келганлиги тўғрисидаги хабарномаларни адресатларга etkazиб бериш учун мўлжалланган қўлфланган қутчалардан иборат махсус жавон;

адресат — почта, курьерлик жўнатмаси, пул маблағларининг почта ўtkazмаси, телеграф хабари ёки бошқа хабар йўлланган юридик ёки жисмоний шахс;

ёзма хат-хабарлар — оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган хатлар ва бандероллар, оддий, буюртма почта varaқчалари ҳамда оддий, буюртма секограммалар, шунингдек майда пакетлар;

курьерлик жўнатмалари — жўнатилиши қисқа муддатларда кўндан-кўлга etkazиб берилган (топширилган) ҳолда амалга оширилган почта varaқчалари, хатлар, бандероллар, посилкалар, босма нашрлар;

курьерлик хизматлари — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг курьерлик жўнатмаларини жўнатиш ва etkazиб бериш (топшириш) бўйича фаолияти;

назорат муддатлари — почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўtkazмаларини қабул қилиш жўйидаги почта алоқаси объектларини топшириш ва etkazиб бериш жўйидаги почта алоқаси объектгача жўнатиш учун белгиланган энг кўп вақт оралиғи;

почта алоқаси — почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг почта ўtkazмаларини жўнатиш ва etkazиб беришни (топширишни) таъминловчи техника ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат алоқа тури;

почта алоқаси воситалари — почта алоқаси хизматлари кўрсатиш учун фойдаланиладиган бинолар,

4

рат муддатлари ҳамда почта алоқаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда юзга келади. Почта алоқаси хизматлари кўрсатишда фойдаланувчиларга etkazилган зарарларнинг ўрни почта алоқасининг оператори ёки провайдери томонидан қўйидаги ҳолларда ва миқдорларда қопланади:

буюртма хат, буюртма почта varaқчаси, буюртма бандерол ёки почта жўнатмаси олинганлиги тўғрисидаги буюртма билдиришнома йўtkazилганда — почта алоқаси хизматига тўланган сумма миқдоридан неустойка;

қиймати эълон қилинган посилка, бандерол ва хат йўtkazилганда — эълон қилинган қийматнинг икки баравари миқдоридан ва почта алоқаси хизмати учун тўланган сумма миқдоридан неустойка, бундан эълон қилинган қиймат учун тариф тўлови мустаном;

қиймати эълон қилинган жўнатма жойланма рўйхати билан жўнатиладиган жойланманнинг қиймати етишмаганда ёки бузилганда (шикастланганда) — жўнатувчи рўйхатда кўрсатган жойланманнинг етишмаётган ёки бузилган (шикастланган) қисми учун эълон қилинган қийматнинг икки баравари миқдоридан;

қиймати эълон қилинган жўнатма жойланма рўйхатисиз жўнатиладиган жойланманнинг қиймати етишмаганда ёки бузилганда (шикастланганда) — жойланманнинг етишмаётган ёки бузилган (шикастланган) қисми оғирлигининг юборилган жойланманнинг оғирлигига (почта ва курьерлик жўнатмаси ўрнининг оғирлигисиз) нисбати билан мутаносиб тарзда аниқланган почта ва курьерлик жўнатмасининг қиймати эълон қилинган қисмининг икки баравари миқдоридан;

адресатга пул маблағларининг почта ўtkazмаси бўйича пул тўланмаганда ёки нотўғри тўланганда ёхуд агар ўtkazилган пуллари адресатга беришининг имкони бўлмай, у жўнатувчига ҳам тўланмаган бўлса — ўtkazманинг тўланмаган ёки етарлича тўланмаган қисми суммаси миқдоридан ҳамда почта алоқаси хизматига тўланган сумма миқдоридан неустойка;

адресатдан устама тўлов миқдори етарлича олинмаганда ёки устама тўлов нотўғри тўланганда — олин-

21

ри билан ўзаро ҳисоб-китобларни юритиш; эмблемага эга бўлиш ва ундан ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш.

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

23-модда. Почта алоқаси миллий операторининг мутлақ ҳуқуқлари

Почта алоқаси миллий оператори қўйидаги мутлақ ҳуқуқларга эга:

почта вагонлари ва почта қўтиларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирини тушириш; бошқа давлатларнинг почта алоқаси операторлари билан почта алоқаси соҳасидаги ўзаро харажатларда ва халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ўз ваколатлари доирасида ифода қилиш; оддий хатлар ва почта varaқчаларини жўнатиш, давлат пенсиялари ва нафақаларини etkazиб бериш (топшириш) бўйича хизматлар кўрсатиш.

24-модда. Фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари

Фойдаланувчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга: Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида почта алоқаси хизматларидан фойдаланиш; ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари, кўрсатилаётган хизматлар тўғрисидаги ва ушбу хизматларга доир тарифлар ҳақидаги ахборотдан эркин фойдаланиш; ўз почта манзили бўйича, йўклаб олиш тарзида ёки абонент почта жавонининг қўтичаларидан фойдаланган ҳолда почта, курьерлик жўнатмаларини ва пул маблағларининг почта ўtkazмаларини олиш; ўз почта манзилига келган почта, курьерлик жўнатмалари ёки пул маблағларининг почта ўtkazмаларидан воз кечиш;

18

почта ва курьерлик жўнатмалари транзитининг эркинлиги.

2-боб. Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш

5-модда. Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

Почта алоқаси соҳасини давлат томонидан тартибга солиш илмий-техник сиёсатни шакллантириш, лицензиялаш, сертификатлаштириш орқали, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади.

6-модда. Почта алоқаси соҳасидаги махсус ваколатли орган

Почта алоқаси соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси томонидан белгиланган махсус ваколатли орган (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилади) амалга оширади.

Махсус ваколатли орган: почта алоқасини ривожлантириш давлат дастурларини шакллантиради ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларини тасдиқлайди;

почта тўловининг давлат белгилари намуналарини тасдиқлайди ҳамда почта маркаларини нашр этиш; уларни муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш тартибини белгилайди;

почта тўловининг давлат белгилари давлат коллекциясини шакллантиради;

универсал хизматларга оид тарифларни тасдиқлайди;

почта алоқаси тармоқлари ва хизматларини ривожлантириш, почта ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича почта алоқаси операторлари

7

нинг манзили кўрсатилган оддий хатлар ва почта varaқчаларини йиғиш учун мўлжалланган, белгиланган шакл ва ўлчамдаги қўлфланган махсус қўтиси;

пул маблағларининг почта ўtkazмаси — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта алоқаси ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини жўнатиш ва etkazиб бериш (топшириш) бўйича хизмати;

секограмма — кўзи оқизлар учун муассасалар томонидан почта алоқаси тармоғи орқали жўнатиладиган, кўзи оқизлар учун мўлжалланган ёнқ тарзда топширилган ёзма хат-хабарлар, босма нашрлар, кўзи оқизлар учун ёзув тизимининг белгиларига эга тамга, шунингдек кўзи оқизлар учун мўлжалланган овозли ёзувлар ва махсус қоғоз;

универсал хизматлар — фойдаланувчиларга Ўзбекистон Республикаси доирасида мақбул нархларда кўрсатиладиган ва белгиланган талабларга мос келадиган сифатдаги почта хизматлари;

франкирлаш машинаси — ёзма хат-хабарларга почта алоқаси хизматлари учун ҳақ тўланганлигини, ушбу хат-хабарлар қабул қилинган санани ва бошқа ахборотни тасдиқловчи тамга изларини туширишга мўлжалланган машина;

қиймати эълон қилинган жўнатмалар — жўнатилаётганда жойланма қиймати фойдаланувчи томонидан эълон қилинган почта ва курьерлик жўнатмалари.

4-модда. Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар

Почта алоқаси соҳасидаги асосий принциплар қўйидагилардан иборат:

барча фойдаланувчилар учун почта алоқаси хизматларидан фойдаланишнинг эркинлиги; стандартлар, нормалар ва қоидаларнинг ягоналиги; фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши; ёзишмалар, почта ва курьерлик жўнатмаларини сир тутишга риоя этилиши;

6

қиймати эълон қилинган жўнатма жойланмасининг баҳоси суммасини мустакил равишда белгилаш; почта алоқаси операторлари ва провайдерлари томонидан ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатилиши;

почта алоқаси хизматлари кўрсатилмаганлиги ёки лозим даражада кўрсатилмаганлиги натижасида etkazилган зарарларнинг ўрни қоплаиши, маънавий эъти компенсация қилиниши;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган харажатлар (харақатсизлик) ва қарорлар устидан бевосита судга ёхуд бўйсунув тартибиде юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат этиш.

Фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

25-модда. Почта алоқаси операторлари ва провайдерларининг мажбуриятлари

Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари: почта алоқаси соҳасида ушбу Қонунга ва Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларига мувофиқ фаолиятни амалга ошириши;

фойдаланувчиларнинг почта алоқаси хизматларидан эркин фойдалана олишини таъминлаши;

кўрсатилаётган почта алоқаси хизматларининг сифатини таъминлаши;

почта, курьерлик жўнатмалари ва пул маблағларининг бут сақлаишини таъминлаши;

Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган талаблар фойдаланувчи томонидан бузилган таҳдирда, почта алоқаси хизматлари кўрсатишни тўқатиб қўйиши;

почта алоқасининг узлуксиз ва хавфсиз ишлашини таъминлаши;

почта алоқаси хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган технология усқуналар, механизациялаштириш, автоматлаштириш ва ахборотлаштириш воситаларига эга бўлиши;

19

От спорти ишқибозлари диққатига! Мамлакатимизда от спорти янада ривожлантириш, уни жаҳон миқёсига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси, «Хасково» қолбаса махсулотлари, «Абу Сахий Савдо маркази» МЧЖ ҳомийлигида Тошкент вилоятининг Хонобод «Жокей» спорт клубида 23-26 апрель кунлари от спорти бўйича жаҳон кубогининг аънавий 1-саралаш босқичи мусобақалари ўtkazилади. Мусобақада Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон Республикаларининг энг кучли спортчилари қатнашади. Мусобақага марҳамат! ЎЗБЕКИСТОН ОТ СПОРТИ ФЕДЕРАЦИЯСИ Телефонлар: 239-14-35, 239-14-02.

15 йил давомида Ўзбекистонга парвозлар БИЗНЕС-КЛАСС ТОШКЕНТ → МОСКВА 323 ЕВРО ВА УНДАН ЮҚОРИ (йўғимлар ҳисобга олинган) ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ РОССИЯНИНГ ҚўЙИДАГИ ШАХАРЛАРГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР ДАСТУРИ: ВЛАДИВОСТОК, П.КАМЧАТСКИЙ, САМАРА, ХАБАРОВСК, МАГАДАН, АНАДИРЬ, УФА, ҚОЗОН, КРАСНОЯРСК, ОМСК, ТОМСК, БААГОВЕШЕНСК, С.ПЕТЕРБУРГ, СОЧИ, АНАПА, Ю.САХАЛИНСК, НОВОСИБИРСК. ТЕЛЕФОНЛАР: 227-01-87, 227-00-78, 227-09-19. ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ www.transaero.ru

Спорт • Sport • Спорт Россиянинг Нальчик шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқич учрашувлари давом этмоқда. Пешқадамдан бир очко кам Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рустам Қосимжонов олтинчи турда франциялик гросмейстер Этьен Баррога қарши дона суриб, дураг натижага эришди. Турнинг қолган учрашувлари қўйидагича аяқланди: Левон Ароян (Арманистон) — Василий Иванчук (Украина) 1:0, Шахриёр Мамедиев (Озарбойжон) — Александр Гришчук (Россия) 1:0, Пётр Свидлер (Россия) — Павел Ельянов (Украина) 1:0, Владимир Аюпян (Арманистон) — Сергей Карякин (Украина) 1:0, Гата Камский (АҚШ) — Борис Гельфанд (Исроил) 0,5:0,5, Петер Лекко (Венгрия) — Евгений Алексеев (Россия) 0,5:0,5. Олтинчи турдан сўнг арманистонлик Левон Ароян 4 очко билан яқна пешқадм бўлиб турибди. Рустам Қосимжонов ҳозирча 3 очко жамфарган.

«Пахтакор»нинг навбатдаги ғалабаси Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг иккинчи давра тўртинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Осиё чемпионлар лигасининг «А» гуруҳидан жой олган «Пахтакор» жамоаси ўз майдонида Эроннинг «Саба Баттери» жамоасини қабул қилиб, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Ушбу муваффақиятдан сўнг «Пахтакор» 10 очко билан гуруҳда яқна пешқадм бўлиб олди ва кейинги босқичга чиқиш масаласини деярли ҳал қилиб қўйди. ЗИЁДУЛЛА ЖОНИБЕКОВ.

ОБ-ҲАВО (23 апрель) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айри-айри жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 6-11 даража иллик, кундузи 10-15 даража иллик бўлади. Бухоро ва Намангон вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 8-13 даража иллик, кундузи 20-25 даража иллик бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутулмайди. Ҳарорат кечаси 8-13 даража иллик, кундузи 20-25 даража иллик бўлади. Тошкент вилояти. Ёғингарчилик куза-

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жилишев Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА АКУНИ — 21.40 Топширилди — 22.00 78